





# ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

**Олий таълим,  
фан ва инновациялар вазирлигига  
Хотин-қизларга ва ногиронлиги бўлган  
шахсларга яртилган имкониятлар тўғрисида**

## МАЛУМОТ



Бугунги кунда Республикаиздаги олий таълим мұассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони **1 млн. 200 минг** нафардан ошиб, шундан хотин-қизлар **598 мингни (49,8 фоизни)** ташкил этмоқда. Бу үз навбатида **2017 йилги** күрсаткичдан **12 фоизга** ошган.



Магистратура босқичида ўқишини давом эттираётган талаба-қизлар сони **13 минг 995 нафар** бўлиб, жами талабалар сонига нисбатан **59,5 фоизни** ташкил этади.

Бу кўрсаткич магистратура босқичига ўқишига қабул қилинган **талаба-қизларимизга контракт тўловларининг давлат томонидан тўлаб бериш амалиётининг йўлга қўйилиши** сабабли йил сайин яхшиланиб бормоқда.

**Ўз навбатида Республика бўйича соҳалар кесимида ўқитилган талаба-қизлар улуши ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда.**



Жумладан, 2023/2024 ўқув йилида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган хотин-қиз талабаларнинг STEAM таълим йўналишлари бўйича таҳлил қилганда **физика** йўналишида таҳсил олаётган жами талабаларнинг **64 %и** (**10 526/6756**) хотин-қизларни ташкил этади.



Ҳукумат қарори билан “**Коллеж ва техникумларда қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги касб (мутахассислик) бўйича таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олиш тартиби тўғрисида**”ги низом тасдиқланди.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб, коллеж ва техникумларда қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш йўналишлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинган хотин-қизлар тўлиқ давлат гранти асосида ўқийдилар.

Коллеж ва техникумларга ўқишига қабул қилинган хотин-қизлар учун талаб этиладиган давлат гранти маблағлари республика бюджетидан ажратилади.

Ҳар йили эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган **2 минг нафар** хотин-қизларимиз давлат гранти асосида олий таълим муассасаларга ўқишга қабул қилиниб келинмоқда.


**Шу тариқа бугунга қадар қарийб 7 мингга яқин** хотин-қизлар давлат гранти асосида олий таълим ўқишга қабул қилинди.

- мутахассислиги бўйича камидаги **5 йил меҳнат стажига**, лекин олий маълумотга эга бўлмаган **500 нафар хотин-қизларимиз ҳар йили** Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тавсияномаларига асосан тест синовлари натижаларига мувофиқ контракт асосида **ўқишга қабул қилинмоқда**.

- давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча **хотин-қизларнинг контракт тўловлари қоплаб берилиши** ва бунга **ҳар йили** камидаги давлат бюджетидан **200 млрд. сўм ажратиб борилмоқда**.

2022 йилда қарийб **133,6 минг** хотин-қизнинг ўқиши учун **1 трилион 250,5 миллиард сўм ажратилган** бўлса, жорий йил 30 сентябрга қадар қарийб **116,4 минг** аёл-қизга **1 трилион 296,7 миллиард сўм миқдорида** **фоизсиз таълим кредити** ажратилган.


**4 минг нафарга яқин** муҳтоҷ ёллар ва боқувчисини йўқотган қизларни олий таълимдаги контракт-тўловларини қоплаб берилди.



**2023 йилда** олий таълим муассаса ва илмий ташкилотларда **6 минг 217 нафар** хотин-қизлар олий таълимдан кейинги таълим тизимида (докторантурасы) илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориши мөрода.

Шундан:

таянч докторантурасы – **3 минг 882 нафар**;  
докторантурасы – **276 нафар**;  
стажёр-тадқиқотчиликка – **229 нафар**;  
мустақил изланувчиликка – **1 минг 830 нафар**.




2023 йилдан бошлаб олий таълим муассаса ва илмий ташкилотларга хотин-қизлар учун умумий квота доирасида қўшимча **300 та мақсадли квота** ажратилиб келинмоқда.

Илм-фан соҳасидаги иқтидорли қизларни ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида улар томонидан амалга оширилаётган илмий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, яратиладиган интеллектуал лойиҳаларни чоп этириш, патентлаштиришга кўмаклашиш йўналишида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, Олий таълимдан кейинги таълим институтларига жами **4 минг 907 та ўринга** қабул квотаси ажратилган бўлиб, шундан **2 минг 374 та** квота хотин-қизларга (**48 фоиз**) ажратилган.


Бунда, стажёр-тадқиқотчиликка – **229 та**, таянч докторантурасы – **2014 та** ва докторантурасы – **131 та** қабул квотаси ажратилган.

Иқтидорли ёш хотин-қизларни хорижда чет тиллари курсларида үқишиларини таъминлаш, уларни юқори нуғузли идораларда илмий стажировка ўташларига кўмаклашиш бўйича 2023 йилда **47 нафар** ёш олималарнинг илмий стажировкалари молиялаштирилган бўлиб, шундан **14 нафари** Буюк Британияга, **9 нафари** Венгрияга, **3 нафари** Германияга, **1 нафари** Латвияга, **1 нафари** Норвегияга, **3 нафари** Озарбайжонга, **1 нафари** Словакияга, **3 нафари** Чехияга, **1 нафари** Францияга, **4 нафари** Беларусга, **7 нафари** Россия Федерациясига илмий стажировкага юборилди.



Вазирлик томонидан 2023 йилда **12 нафар** хотин-қизларни дастурий ишланмаларини, инновацион ғояларини, ихтирочилик, рационализаторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижоратлаштиришгача тайёрлаш лойиҳаларини амалга ошириш учун жами **9,35 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

# Республика олий ва профессионал таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган шахсларга яратилган имтиёзлар тўғрисида маълумот




# Ўқишига қабул қилиш бўйича берилган имтиёзлар



Ушбу қарор қабул қилингунга қадар ногиронлиги бўлган абитуриентлар соғлом абитуриентлар билан биргаликда кириш имтиҳонларида иштирок этардилар ва ўз- ўзидан ногиронлиги бўлган абитуриентларнинг кириш имтиҳонлари натижаларига кўра талабаликка қабул қилинишида имкониятлари пасайиши кузатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 2 июнда 417-сон қарори қабул қилинди.



2018/2019 ўқув йилидан бошлаб эса ажратилган алоҳида давлат гранти квоталарига танловлар фақатгина ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ-  
4359-сон қарорига асосан 2019/2020 ўқув  
йилидан бошлаб ногиронлиги бўлган  
шахслар учун олий таълим  
муассасаларига алоҳида 2 %ли давлат  
гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари 3  
та – кундузги, сиртқи, кечки таълим  
шакли бўйича ажратилиши белгиланди.



Шу билан бирга, 2019/2020 ўқув йилидан  
бошлаб кўзи ожизлар тоифасига кирувчи  
сифатида ҳамда ногиронлиги бўлган  
шахсларга ажратилган квота доирасида  
давлат гранти асосида таҳсил олаётган  
талабалар ўқишини олий таълимнинг мос  
ва турдош таълим йўналишлари ва бошқа  
таълим шаклларига давлат гранти  
асосида кўчирилишига рухсат этилди.





Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга З-иловада (Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тартиби) белгиланган тартибга мувофик амалга оширилади.

# Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тартибига кўра:

кўзи ожиз абитуриентлар олий таълим муассасаларига кириш чоғларида кириш имтиҳонларини таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари учун белгиланган фанлар мажмуасига мос келувчи кўп балли ёки уларга келтирилган беш балли баҳолаш тизими бўйича, анъанавий услугда топширадилар;

кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган (кўп балли тизимда баҳоланганда—максимал балнинг 55 фоизидан юқори балл олган, беш балли баҳолаш тизимида баҳоланганда — «3», «4» ёки «5» баҳо олган) абитуриентлар Давлат комиссияси қарори асосида танловсиз, алоҳида ажратилган ўринларга давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.



## **Ўқув адабиётлар билан таъминланганлигик кўрсаткич**

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти билан ҳамкорликда кўзи ожиз ва заиф кўрувчи талабалар учун педагогика, психология, тарих, математика, филология, бизнес ва бошқарув, ҳуқуқ, хорижий тил, санъат ва маданият, спорт, физика ихтисосликлари бўйича 12 номда (1 500 нусхада) 967 млн. сўмлик ўқув адабиётларини Брайль ёзувидага чоп этиш ишлари амалга оширилмоқда.

### **Қулай шарт-шароитлар яратиш**

Олий таълим мұассасалари биноларининг ички ва ташқи йўлакларида таянч-ҳаракат аппаратида ногиронлиги бўлган талабаларнинг хавфсиз ҳаракатланишини учун кириш жойларида меъёр талабларига мос пандуслар, тутқичлар, маҳсус (тактиль плиткали) йўлаклар ва юқори қаватларга кўтарилиш учун лифт ёки кўтарма йўлаклар ҳамда биринчи қаватларида алоҳида маҳсус ҳожатхоналар барпо этилган.

**4203 нафар ногиронлиги мавжуд бўлган талабалар тураг жойлари билан тўлиқ таъминланди.**

Шунингдек, ногиронлиги бўлган талабалар тураг жойида яшаганлик учун тўловлардан озод этилган.

**Алишер Навоий номидаги тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “инклузив таълим” илмий-амалий лабораторияси фаолият юритмоқда.**

Лабораториянинг мақсади инклузив маҳсулотлар таъминотини яратиш орқали алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар ва талабалар учун ўқув-илмий адабиётлар ҳамда замонавий ахборот воситаларидан мустақил фойдаланиш имкониятини кенгайтиришdir.

**Ногиронлиги бўлган талабаларнинг меҳнат бозорига кириб келишлари учун**

Ҳозирда ногиронлиги бўлган талабаларнинг очиқ меҳнат бозорида муносиб иш билан таъминлаш учун [ishplus.uz](http://ishplus.uz) маҳсус рекрутинг веб-порталидан фойдаланиб келмоқда.

## Профессионал таълим тизимида

Жорий үқув йилида професионал таълим мұассасаларида жами **1789 нафар** ногиронлиги бўлган ўқувчилар таълим олмоқдалар.

Шундан, касб-ҳунар мактабларида **1532 нафар**, коллежларда **151 нафар** ҳамда техникумларда **106 нафарни** ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” Қонунида Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг бепул умумий ўрта, мактабдан ташқари, ўрта маҳсус ва **профессионал таълим олишини** кафолатлаши белгиланган.

Шунингдек, бугунги кунда Республикадаги **4 та имконияти** чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактабларида жами **1 525 нафар** ўқувчиларга қизиқишлидан келиб чиқиб, малакали педагог кадрлар томонидан касб-ҳунар ўргатилмоқда.

## **Талабалардан келиб тушган мазкур якунларига кўра таклифлар юзасидан ҳозирда амалий ишлар бошланган**

- Тутқаноқ (эпилепция) касаллиги бор бўлган талабаларни онлайн таълим шаклига ўтказиш;
- ногиронлиги бўлган талабалар давлат гранти асосида таҳсил олаётганилиги учун уларни сиртқи таълим шаклига кўчиришда давлат грантини сақлаб қолиш;
- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида халқаро имо-ишоралар тили факультетини очиш;
- ногиронлиги бор талабаларнинг бандлигини таминлаш мақсадида таълим муассасаси тасарруфида кичик ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларини ташкил этиш.

## Таклифлар

- Таълим муассасаларида таҳсил олаётган имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган талабалар учун рақамли технологиялари маркази, IT-паркларда ахборот технологиялари, компьютер саводхонлиги, дастурлаш технологияларига оид ўқув курслари ташкил этиш.
- Таълим муассасаларида таҳсил олаётган имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган талабалар учун IT-парклар билан ҳамкорликда роботехника, рақамлаштириш, суъний интелект бўйича амалий машғулотларни йўлга қўйиш.
- Олий ва профессионал таълим муассасаларида таълим берадиган кўзи ожиз устозларга индивидуал маҳсус ёрдамчи ажратиш чораларини кўриш. ✓
- олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида қатнашаётган эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган абитуриентларни республиканинг барча ҳудудларида сурдотаржимон хизматлари билан таъминлаш;
- тест синовлари тўғрисида абитуриентларга маълумот бериш учун тайёрланадиган видеороликларни сурдотаржима билан тайёрлаш;
- таянч-ҳаракат аъзоларида (ёза олмайдиган) нуқсони бўлган абитуриентларга жавоблар варағини бўяшда кўмаклашиш учун қўшимча назоратчилар бириктириш;
- Тошкент давлат педагогика университети ҳузурида "Миллий имо-ишора тилини ривожлантириш илмий тадқиқот маркази"ни ташкил этиш.